

# ЖОШЛИК СУЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

29 июль, жума, 1994 йил  
Сотувда эркин нархда. №149 (897)

## Самарқанд сафари

**САМАРҚАНД.** (ЎЗА махсус мухбирлари Гулом Мирзо, Ҳамза Шукроров хабар қилади). 27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов Самарқандга келди.

Мамлакатимиз раҳбари Самарқанд туманида ободонлаштириш, бунёдкорлик борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Жаҳон андозаларига мос тушаётган сув спорти базаси қурилишини кўздан кечирди. Қадимий Амир Темур боғларидан бирининг ўрнида бунёд этилаётган маданият ва истироҳат боғига ташриф буюрди.

28 июль куни эрталаб Президент Исрол Каримов Амир Темур мақбараси ва унинг теваганини таъмирлаш ишларининг бориши билан танишди.


Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳушқ-тартибот органлари, маъмурий идоралар, ҳушқ маъмурият ташкилотлари раҳбарлари қатнашди.

Йиғилишда Исрол Каримов нутқ сўзлади. Президент вилоят, шаҳар ва туманларда ўтказилаётган ислохотнинг, хусусийлаштиришнинг илк натижалари, йўл қўйилаётган нуқсон ва камчиликлар, уларни бартараф этиш юзасидан қўйилаётган чора-тадбирлар, бунда ҳокимларнинг ўрни ҳамда вазибалари ҳақида гапирди. Баъзан расмиятчиликка, ўзибуларчиликка йўл қўйилаётгани тоқат қилиб бўлмас ҳол эканини таъкидлади.

Йиғилишда Иштихон, Жомбой, Булунгур, Пахтачи туманлари ҳокимлари сўзга чиқиб, амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот бердилар.

Шундан сўнг юртбошимиз вилоятнинг Жомбой ва Челақ туманларида бўлиб, деҳқонлар, ғаллакорлар ва фермерлар билан суҳбатлашди.

Шу куни республикамиз Президенти Исрол Каримовнинг Сурхондаре, Қашқадаре ва Самарқанд вилоятлари буйлаб сафари ниҳоясига етди.



Николай Лузинов еш бласа-да, ҳар қандай темирга "жон" қиртувчи усталардан ҳисобланади. У ҳалол ва унумли меҳнати туфайли Тошкентдаги "Асбоб ва қолиплар" қўшма корхонаси аҳлининг ҳурмат-эътиборини қозонмоқда.  
СУРАТДА: илгор асбобсоз Николай Лузинов. Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат.

## БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК

28 июль куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллик куни уч йиллиги байрамга тайёргарлик масалаларига бағишланган мажлис бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси И. Жўрабеков бошқаришди.

Мажлисда тегишли вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим санани нишонлаш юзасидан қўйилаётган тайёргарлик

ишларининг бориши, хусусан, шодина арафасида қўриб битказиладиган ишоотлар, боғ ва хиебонларда, маҳалларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот берди.

Мустақиллик куни байрамда уюштирилаётган маданий-маърифий тадбирлар ҳақида маданият ишлари вазир Э. Ҳайитбоев ахбороти тингланди.

Йиғилишда республика Бош вазир ўринбосарлари М. Қорабеков, М. Усмонов ва Р. Юнусов қатнашди.  
(ЎЗА).

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Термизда халқ депутатлари Сурхондаре вилоят кенгаши сессияси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазибалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими муовини К. Холдоронинг аҳолига тоза сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурининг

бажарилиши юзасидан ҳисоботи тингланди.

Сессияда сўзга чиққанлар мамлакат Президентининг Тошкент шаҳар сессиясида сўзлаган нутқида қўйилган муаммолар Сурхондаре вилоятида ҳам мавжудлигини, хусусан, Олтинчи, Сариево, Шеробод туманларида табиий газ олиб келиш, Узун, Қумқўрғон, Термиз шаҳри аҳолисини тоза сув

## Муштарий напад сўрайди

### ЛЕКИН... РАИСНИНГ ҚЎЛИ УЗУН ЧИҚДИ

1994 йилнинг 1 февралдан жойлардаги қишлоқ кенгашлари ўз фаолиятини тўхтатиб, ўрнига фуқаролар йиғини ташкил этилди. Биз, қишлоқ кенгашининг 15-20 йиллик тажрибага эга ходимлари ишсиз қолдик. Балки штатлар қисқарган деб ўйларсиз. Йўқ, Менинг ўрнимга раис ўз синглисини ишга қабул қилди. Идоранинг "Москвич" энгил автомашинаси ҳайдовчиси С. Раҳмоновнинг жойига эса жиянини жойлаштирди. Биз "эскилар"нинг тақдиримиз ҳақида ҳеч ким ўйлаб кўрмади. Мен адолат истаб, туман ҳокимига ва прокуратурага мурожаат қилдим. Масалани атрофлича текширгач, туман прокуратурасидан қуйидагича жавоб хати олдим: "1994 йил 30 апрель куни Охунбоев фуқаролар йиғини раисининг Сизни ишдан бўшатиш ҳақидаги 1994 йил 1 февралдаги 18-сонли буйруғини бекор қилиш билан ишга тиклаш ҳақида назорат тартибда протест киритилди". Бундан кўнглим тоғдай кўтарилди. Адолат тантанасига ишончим орти. Минг афсуски, умидим сароб бўлиб чиқди: раиснинг қўли узун чиқди...

Л. ДАВРОНОВА,  
Ўзбекистон тумани.

## Тадбиркорга омад ёр

УРГАНЧ сут-ег заводи маҳсулотлари тури бу йил яна учтага ортиди. Қўюлтирилган ширин сут, "Тошкент" деб аталган юмшоқ ва колбасасimon дудланган пишлоқларни ишлаб чиқариш технологияси Хоразмда илк бора ўзлаштирилди. Булар оддий маҳсулотлар бўлмай бариси дастурхон қўриқ, танқис таом, харидорлар ва истеъмолбон неъмат.

### ҚОЗОН ҲАМ МОЙ, ЧЎМИЧ ҲАМ...

Собиқ Иттифоқ инқирозга юз туттач, бу маҳсулотларни воҳога ташиб келтириш ҳам тўхтаб қолганди. Урганчилик ер-қатик тайёрловчилар қараб туришмади. Вақтини бой бермай, зарур технология воситаларини сотиб олишди. Пировардида улар меҳнаткашлар дастурхонини севиб истеъмол қилинадиган таом ва таомликлар билан тўқин этибгина қолмай, корхона учун мўмай даромад манбаини яратишди. Озгина фурсат мобайнида 50 тонна юмшоқ, 65 тонна дудланган пишлоқ ва қўюлтирилган ширин сут ишлаб чиқариш таъкидлаш жойизки,

маҳсулотларга атиги 10 фоиз ўстира олаётган бўлиши билан ҳам чекланишмади. Бир тийин ҳам сарфламаган ҳолда бур сизимларни ҳаммини анча кенгайтиришга муваффақ бўлишди. Шу икки тадбир шарофати туфайли заводда ишлаб чиқарилаётган жами 23 турдаги маҳсулотнинг сифати кескин яхшиланди. Ҳар бир меҳнатчининг ойлик ўртача маоши 400 минг сўм-купонга етди.

А. СОБИРОВ,  
"Халқ сузи" мухбири.

**СЕРГАК ТЕЛЕФОН**

— Кишлоқдан Жиззах шаҳрига қатнаб ишлаймиз. Оралик масофа 18-20 километрни ташкил қилади. Бироқ автобус ўз вақтида бўлмағлини боис пешона тери билан топган пулимизни йўловчи машиналарга сарф қилаёмиз.

**ҚИШДА ЛОЙ, ЕЗДА ЭСА...**  
**АЗИЗА ДАВЛАТОВА,** Чиноз тумани "Янгиобод" намои ҳўжалиги:

— Икки йил бўлдики, "Янгиобод" жамоа ҳўжалигининг М. Сиддиқов кўчасида қишда ботқоқ, ёзда тупроқ арнаймайди. Қишлоқ маҳаллаларини асфальтлаш, ободлаштириш борасида арз қилмаган жойимиз қолмади...

**ТЕЛЕФОННИ ИШЛАМАШТИ**  
**ҲАМРОҚУЛ МУҲАММАДҚУЛОВ,** Самарқанд шаҳар, Фаровонлик кўчаси, 33-уй:

— Бизга тегишли 24-07-28 рақамли телефон йил бошдан бун ишламапти. Шаҳар ва вилоят мутасаддиларига қилган мурожаатларим ҳам жавобсиз қолмоқда.

**ПОЛИКЛИНИКАДА... ТОҚ ЙЎҚ**  
**Отаман ШАРИПОВ, С. Раҳимов тумани, Марказ-22, 36-уй:**

— Туманимиз ҳудуддаги 11-тиш поликлиникасининг электр энергияси узиб ташланган. Сабабини билмай ҳайронмиз. Нима, одамлар соғлиғи муҳим эмасми?

**СУВСИЗ ҚИШЛОҚ**  
**Ҳамза ҚУРБОНОВ,** Қарши тумани, Сарой қишлоғи:

— Кишлоқимизда икки ойдан бун иччил суви йўқ. Мутасадди ташкилотларнинг эса пайройй палак.

**КРЕДИТ ОЛОЛМАЯМАН**  
**Обиджон ТУРОБОВ,** Пахтачи тумани,

**"Малика" деҳқон-фермер ҳўжалиги ранси:**

— 1991 йил фермер ҳўжалиғи ташкил этганмиз. Уша йили жамоа ҳўжалиғи 60 минг сўм кредит олиш учун кафолат хати берган эди. Бироқ туман жамғарма банки пул бермади. Утган йили яна бўрдоқчинлик базасининг кафолат хати билан 15 ми лион сўм-купон кредит олиш учун арива бердим. Афсуски, туман "Тадбиркор" банки қисқа муддатга... имконимиз йўқ, дейишяпти. Шу тўғрими?

**КАБЕЛСИЗ ҚАНДАЙ ИШЛАГАН ЭКАН?**  
**Умид АҲРОРОВ, А. Ибромов тумани, А. Тожинов кўча, 39-уй:**

— Шу йил 25 июндан бун 43-22-37 рақамли телефонимиз ишламапти.

Мутасаддиларга учрашсак, 60 метр кабел топиб келинг, тузатиб берамиз, дейишяпти. Телефон бузилгунга қадар кабелисиз қандай ишлади экан-а!

**"ЦЕНТРАЛЬНИЙ ТЕЛЕГРАФ" КИМГА ҚАРАШЛИ?**  
**Абдулатиф, ХУДОЙБЕРДИЕВ,** Гулистон тумани, Ҳ. Олимжон жамоа ҳўжалиғи:

— Тошкентга меҳмон бўлиб келганим. Навоий кўчасидаги шаҳарлараро телефондан Гулистонга қўнғироқ қилмоқчи эдим. Шу кўчадаги "Централий телеграф" бизнес ва биро пештоқдаги собиқ СССР ва ЎзСРнинг собиқ раҳбарлари савлат тўқиб турганини кўриб гоит ажабландим. Еки "Централий телеграф" мустақил Ўзбекистонга қарашли эмасми?

"Халқ сузи" мухбири  
Мавжуда ТОЖИБОЙ қиз эизиб олди.

**ЎЗБЕКИСТОН:**

**ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ**

"Халқ сузи" ва ЎЗА мухбирлари хабар қиладилар

**МУСТАҚИЛЛИК ШОДИЁНАСИ**

Шу йилнинг январь ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият марказининг ташаббуси билан жумҳуриятимизда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказлар мустақиллигимизнинг 3 йиллиғига бағишланган халқ ижодиёти фестивалини ўтказишмоқда.

Навбатдаги тадбир — турк ва озарбайжон маданият марказларининг фестивали бўлади. Бу тадбир эртага Тошкентдаги Санъат саройида ўтказилиши мўлжалланмоқда. Концертда турк ва озарбайжон халқ ижодий гуруҳларидан "Севинч", "Нур", "Қардошлик" ансамбллари, шунингдек, Феруза Байрамова, Зайнаб Каримова каби истеъдодли қўшиқчилар иштирок этишади.

**СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ЎЗ ХАРИДОРНИ ТОПАДИ**

**МДҲга аъзо кўллаб** мамлакатларнинг ишбилармонлари Навоий тикувчилик бirlашмаси билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузишган. Бунинг асосий сабаби ҳам корхонада тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати яхшиланибди. Сиз суратда кўриб турган чехда қўлгул чекарлар кунига юзлаб эркаклар куйлагини тикиб, сотувга чиқаришади.

**САВДО ДЎҚОНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА**

СИРАРЕ вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси Россиянинг Омск, Иркутск шаҳарларида савдо уйлари, Қозғистон Республикасининг Чимкент вилоятида фирма дўқон очди.

Бу савдо шохобчаларига Мирзачўлда етиштирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, мева-сабзавот консервалари юборилиб, ўрнига шакар, ўқув қуроллари, ҳўжалик ва электр буюмлари олинади.

**ИШБИЛАРМОНЛИК САМАРА БЕРМОҚДА**

Самарқанддаги "Баҳодир" савдо тайёрлов идораси жамоаси аҳолини арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган.

Айни ёз кунларида тайёрловчилар қишлоқ аҳли етиштиратган маҳсулотларни қабул қилиб консервалаптилар.

СУРАТДА: корхонанинг қандолат чеҳи ишчиси Нигора Султонова.

**БОБОМИЗ ТИНГЛАГАН МУСИҚА**

ХЕВАДАги Нуруллобей маданият ва истироҳат боғида "Феруз қуй ва қўшиқларининг энг моҳир ижрочиси" кўрик-танловни ўтказилди.

Вилоят шаҳари ва туманларидан келган ҳаваскор санъаткорлар Феруз газаллари билан айтиладиган қўшиқларни куйлади, у яратган ва севиб тинглаган мумтоз мусиқалар ижро этилди.

Кўрик-танловда Урганч шаҳар маданият уйи ва Хевадаги "Хумо" дастаси жамоалари санъати юқори баҳоланди. Яқкаҳон ижрочилар — Урганчлик М. Хужаков, К. Сафарбоев ва ховалик Э. Эгамов голиб қиқиб, қимматбаҳо савгалар билан тақдирланди.





Назм дафтаридан

Сафар БАРНОЕВ

ЧОЛИГА БЕЛБОҒ ТИКАР ҲАЗИМИНИНГ МОМОЛАРИ

ТАЛАБАЛИК ЙИЛЛАРИ

Талабалик йиллари, Омон бўл, дорилфунун, Бир тўп тўпоналарнинг бошини сийлаган маскан, Қайбир сабаб баҳона Сизни эсладим бу кун...



Алп қомат болаларга бош бўлсин деб бобоси, Чолига белбоғ тикар ҳазимининг момолари.

КЕЧА ЭДИ...

Кеча эди... Туппа-тузук "ака" эдик қизлар учун, Кўп ўтмайин "амаки"га айландик биз.


ЎЗБЕКНИНГ БОБОЛАРИ

Ўзбекининг боболари Боложаон, Набиражон, Зуредсиз эртасини сира тасаввур этмас...

Осиё кубоги учун

БИРИНЧИ ҚАДАМ ВА БИРИНЧИ ҒАЛАБА

ТОШКЕНТНИНГ "Пахтакор" жамоаси ўз тарихида биринчи марта Осиё қитъаси кубок эгаларининг кубоги учун баҳсга киришди.



«Она булақолгин, менга табиат...»

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган фотолаваҳа.

ИШСИЗЛАР СЕНИ КАМАЙДИ

ШОВОТ туманидаги Маҳнат биржаси қошида ташкил қилинган "Батан" кичик корхонаси ўн саккиз нафар қизин маҳнатга жалб этди.

Жинойят жазосиз қолмайди

ҚОРАДОРНИНГ СОТОЛМАДИ

Шовот божхона пости ходимлари "Д 01-63 ХЗ" давлат рақамли енгил машинанинг юкхонасини кўздан кечиришда, ундан 950 грамм қоралори топилди.

ТАДБИРКОРЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ХУСУСИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА

"Ўздаббиркорбанк" - тадбиркорлик соҳасида асосан деҳқон-фермерларга, ўрта ва кичик бизнесга ёрдам бериш ва ривожлантириш учун ташкил этилган биринчи ва махсус банкдир.

Феруз таваллудининг 150 йиллиги олдидан

ЯНА БИР "БОҒИШАМОЛ"

"Боғишамол"та Хиваниннг 39-хони ҳисобланган Оллақулхон томонидан асос солинган. Боғнинг ўртасида икки қаватли кўпк яхони ҳисобланган дам оладиган саройи қад ростлаган.

Ташкилот Белоруссияда ишлаб чиқарилган трикотаж маҳсулотларини пил ўтказиш йўли билан сотади. Телефонларимиз: (3712) 69-95-82, 62-74-86.

"Маданият" илмий-ишлаб чиқариш савдо-маданий маркази Тошкентдаги омборидан аравачали "Урал" мотоциклларини, хорижда ишлаб чиқарилган эркак ва аёллар туфлларини, ҳар хил газламадарни, "Полюс", "ОРСК-416" марказдаги музлатгичларни, "Чайка" тикув машиналарини ҳамда бошқа турдаги халқ истеъмол молларини сотади.

"БАРИШ ТИЖАРЕТ" шу"ба" ширкати нақд пулсиз гуловларга қуйидаги молларни сотиб олишга эҳтиёжи бор: 1. Пахта иппликлар (№34-1;2 ва №54-1;2) 2. Бўз матолар (эни 145 см дан юқори ва қилини бўлиши лозим).

ДИҚҚАТ! ЮҚОРИ ВОСИМПИ АСОСИЙ ГАЗ ҚУВУРИ. Сизнинг туманингиз ҳудудига умумий аҳолияга молик қимматбахш илмийот - асосий газ қувури тўғрисида.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИДАН ФЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА! Кейинги йилларда телефон алоқалари икониёти сезиларли даражада кенгайди.

"Ўзбекистон" нашрият жамоаси нашрият ходими Намив Умаровага отаси Ориф МИРЗАЕВНИНГ вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО. ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кеңаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖҲРАБОЕВ ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙЎЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, "Халқ сўзи"), Эркин ВОҲИДОВ, Мирқамол МИРРАЛИМОВ, Саломхон МИҲДИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, "Халқ сўзи"), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, "Народное слово"), Людмила ПОРФИРОВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, "Народное слово"), Шавкат ЯХЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Мухаммадқон ҚОРАБОВ, Сандаҳроп ГУЛОМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев, навбатчи — Т. Дотиев.